



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 11 март, пайшанба №31 (678)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ислом КАРИМОВ:

ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари



САВОЛ: Шу йил 16 февраль кuni Тошкентда рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида мамлакатимиз ва чет эл матбуотида турлича фикр-мулоҳазалар, фараз ва талқинлар билдирилмоқда. Улар орасида мутаассиб террорчи кучларга баҳо берганда ислом динининг асл моҳиятини тўғри англамасдан ёндашиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Мухтарам Президент, шу масала юзасидан сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдик.

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, мазкур воқеалар ҳақида нафақат бизнинг матбуотида, балки хорижий мамлакатларда ҳам кўп-кўп чиқишлар бўлмоқда. Уларда турли хил эҳтимоплар, тусмол ва гумонлар баён этилмоқда. Қабих ниятлар билан қилинган бу муҳдиш ишлар орқасида турган кучларнинг ақлга сиғмайдиган қилмишлари тўғрисида ҳолис, вазмин мулоҳазалар билан бир қаторда айрим оммавий ахборот воситаларида асоссиз фикрлар, бирёқлама қарашлар, енгилелли хулосалар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга шов-шув гапларга ўч баъзи "чаққон" журналистларнинг, муайян сиёсий ва моддий манфаатлар нуктаи назаридан иш қўрадиган мутахассис ва шарҳловчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу масалада шахсан менда эътироз уйғотадиган жиҳат шундаки, муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиган одамлар ҳам бу нозик, мураккаб мавзуга билар-билмас аралашмоқда. Масалага бундай юзаки, бир томонлама ёндашув кишини ранжитади, албатта. Чунки бу хусусда сўз юритаётган айрим муаллифлар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига қўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайдилар, очикроқ айтсак, бу аммонинг негизига етиб бормайди.

Бу ҳақда мен "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида"

номли китобимда тўхталиб, дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишда бекиёс хизмат қилган, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз, дея зикр этган эдим.

Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларимизнинг катори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлигим; маънавий оламим мазмунини ташкил этади. Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри қолдас асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратгучининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ичимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. "Шукур" деган каломни ҳар кун айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳам "шукур" ва "тавба" деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун, Оллоҳ таолога доимо шукроналар айтаемиз. Туғилганда кулоғимизга азон айтилади, оила курганимизда шаърий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юганимизда жаноза ўқилади. Хатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмайди.

Бизнинг мусулмончилигимиз, Оллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади. Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайлик. Кўчадан тобут кўтариб борилапти. Дуч келган йўловчи --

у пиёдами, машинадами ёки отликми -- дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутди. Камида етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдимми-таниймайдими, бундан қатъий назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади.

Ахир, шунинг ўзи ҳам мусулмончилик, Оллоҳни танишнинг бир кўриниши эмасми? Ахир, шунинг ўзи ҳам Тангри таолога итоат этиш, охиратни ўйлаб яшашнинг бир мисоли эмасми?

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, иймонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этаемиз. Демак, **дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.**

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину дёнәтимишни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, **Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда.** Кинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний хиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳўкм чиқариб бўлмайди. Бу ҳақиқатни мен нафақат февраль воқеалари муносабати билан, балки мамлакатимиз тўғрисида фикр юритадиган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига еслатиб ўтишни жонз, деб билардим.

САВОЛ: Кейинги вақтда баъзи хорижий матбуот нашрларида, айрим муҳолиф кучларнинг чиқишларида Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлади, деб шов-шув қилинмоқда. Бундай тахмин ва башоратларнинг бирон-бир асоси борми?

ЖАВОБ: Дунё арқор оммаси яхши биладики, биз Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қурмоқдамиз. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва умум-халқ томонидан қабул қилинган. Хусусан, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақомилга етказилди. Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб бораемиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир.

Президент мамлакат Асосий қонуни -- Конституцияга тўла амал қилинишига қафолат берадиган шахс. Шундай экан, мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, юқорида зикр этилган шов-шувларга мутлақо ўрин йўқ. Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у

дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нима-лигини, ким пок ниятли художўй инсоню ким мунофиқ риёкор эканини яхши билади.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда, бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозир дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қилади. Муқаддас ислом динини никоҳ қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бошқўзини айлантдириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Оллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улўғ алломуларимиз, улўғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлўғ заманимизда туғилиб вояга етган, муборақ номларини бутун ислом дунёси кечкис эътиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Замаҳшарий каби пири қомилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улўғ номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улўғ аждодларимизнинг табарруқ номларини тиклашга киришдик? Чунки бу буюқ инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғлиқ кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улўғ номларсиз, бу улўғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлўғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюқ гоёларни ёш авлод юрагидан ҳам жой олишга шароит яратмоқдамиз. **Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.**

Бу борада амалга оширган кўп-кўп ишларимиз --

динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасаларни обод қилганимиз, буюқ алломуларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаганимиз, уларнинг эски замонда оёқости бўлиб қолган абадий масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантирганимиз -- буларнинг барчаси халқимизнинг дини исломга меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эътиромининг яққол тасдиғи эмасми?

Менга баъзан, ахир, диндорлар сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилишди-ку, деган гижгижловчи, очигини айтсам, динга бўлган муносабатимни, керак бўлса, сиёсатимизни ўзгартиришга ундовчи саволлар ҳам беришади.

Бу хусусда менинг нуктаи назарим, жавобим шундай: ўша муҳдиш воқеалар муносабати билан Олий Мажлисда бўлиб ўтган ҳўкumat йиғилишида мен ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз, деган қатъий фикрни билдирган эдим. **Шу фикрни ривожлантириб айтманки, мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига ҳаф тўғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман.** Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим деб биламан.

Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлати сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан бундан ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман.

Портлашларни содир этган ижрочилар ва бу кучларнинг орқасида турган ёвуз, жоҳил кимсалар эса уларнинг тирноғига ҳам арзимайди. Ўзингиз айтинг, ўз она Ватанига қўл кўтарган одам одамми?! Бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган одам одамми?! Ҳаммамиз яхши биламиз, Қуръони каримда биронинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Бир бегуноҳ одамни ўлдириш -- бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Хўш, ўзини "ҳақиқий мусулмон" деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши кўпорувчилик, хунрезлик, қотилликдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка қандай даҳли бор?!

Бу фикрдан мени ҳеч ким қайтара олмайди. Содир этилган кўпорувчилик хуружлари хусусида ғазаб-нафрат билан муносабат билдираётган минг-минг ватандошларимизнинг фикру зикри ҳам айнан шундай эканига иймоним қомил.

Тақрор айтаман: биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ тўширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилмаймиз.

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари, 16 феврал кuni Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар тўғрисида эшитиб ўзимни йўқотиб қўяёдим. Ваҳшиёна террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг ҳаётини ҳеч ким қайтариб бера олмас-да, Сиз омон қолганингизни эшитиб хурсанд бўлдим. Жабрланганларнинг оилаларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилмоқчиман.

Сизнинг Ўзбекистонда турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатларингизни ва уларга содиқлигингизни биланам ва амалга оширилаётган ислохотларингиз давом эттираверасиз, деган умиддаман. Менинг яқиндан бошлаб Осиё тараққиёт банки президенти сифатида фаолият қўрсатаётганим балки Сизга маълумдир. Осиё тараққиёт банки бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистон ҳўкуматига ёрдам беришга тайёр, деб Сизни ишонтириш менга алоҳида мамнуният ҳаққа этади.

Тошкент шаҳрида Сиз билан навбатдаги учрашув имкониятини сабрсизлик билан кутаман. Ўз хавфсизлигингизга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман.

Энг эзгу истаклар билан, Тадао Чино, Осиё тараққиёт банки президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари, Тошкент шаҳрида 16 феврал кuni содир этилган фожеали портлашларни эшитиб, жуда ташвишландим. Умид қиламанки, бундай ҳодиса такрорланмайди ва у мамлакатингизда амалга оширилаётган ислохотларга тўсқинлик қила олмайди. Бу оғир давларда ўз эзгу истакларим ҳамда Европа тиклаши ва тараққиёт банки номидан билдирган тилақларимни қабул этгайсиз. Самимий ҳурмат билан,

Хорст Келлер, Европа тиклаши ва тараққиёт банки президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Тошкентда ваҳшиёна суиқасд уюштирилгани, оқибатида мамлакатингиз фуқаролари ҳалок бўлгани ва кўпчилик жароҳатлангани тўғрисидаги хабарни эшитиб чуқур ларзага тушдик.

Қурбонлар ва вайронагарчиликлар кўп бўлмаганини мўъжиза дейиш мумкин. Афсуски, шу вақтга қадар айрим кишилар мамлакатнинг энг муҳим муаммоларини куч ишлатиш ва байринсоний ҳаракатлар билан ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди.

Барча жабрланганларга ва уларнинг қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз. Сиз тўғри йўлдан бораётганингизга аминимиз. Бундан ташқари, Сизнинг эркинлик ва демократияга интилишингиз муваффақият қозонишига, мамлакатингизда узоқ муддатли эзгу ва барқарор муносабатлар қарор топишига олиб боришига ишонимиз.

Жаноби Олийлари, Сизга қамоли эътиромимизни изҳор қилишга руҳсат этгайсиз.

Юрген Россберг, «Крупн» акциядорлик жамияти бошқаруви аъзоси

Хабарларда жўшқин ҳаёт нафаси

Наврўз шарафига ҳашар

Наманган вилоятида Наврўз байрами арафасида хайрия ҳашари ўтказилди. Унда мулкчилик шўқлидан қатъий назар, қорхоналар, ташкилотлар ва хўжалиқлар жамоалари иштирок этади. Ҳашарда асосий эътибор аҳоли ишайдиган жойларни ободонлаштириш, кўчалар ва майдонларни кўк-ламзорлаштиришга қаратилади. Бу ишда ўқувчилар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимлари фаол иштирок этади.

Вилоят ҳўкумининг қарорига биноан ҳашар кuni ишлаб топилган барча маблағ «Наврўз» халқро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди. Ушбу маблағ боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз қарияларга маддад бериш учун сарфланади.

Муносиб кутиб олинади

Навоий вилоятида Наврўзга тайёргарлик авж олиб кетди. «Наврўз келди, навбахор келди» деб номланган театрлашган байрам тантаналари ва спорт ўйинлари дастури, барча шаҳар ва туманларда, ташкилотларда ташкил этилаётган маданий-маърифий байрам тадбирлари режаси ишлаб чиқилди.

Навоий шаҳридаги Марказий маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрам тантаналарида таникли фольклор-

этнографик ансамбллар, ҳаваскорлик жамоалари, болалар дасталари ва машҳур спорт усталарининг чиқишлари бўлиб ўтди. Миллий хўнамандлик бўюмлари кўргазмалари ва савдо ярмаркалари ташкил этилади. Дошқозонларда сумалак пиширилади. Наврўз байрами муносабати билан ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совғалар тарқатилади.

«МОҲИР ҚўЛЛАР» КўРИК-ТАНЛОВИ

Жиззах туманининг Усар Ҳотамов номи хўжалик худудида жойлашган Хўжам Исроилов номи мактабининг юқори синф ўқувчилари ўртасида бичиш-тичиш, пазандалик, уй-рўзгор тутишда қизларнинг тадбиркорлиги, зўқолиғига бағишланган курик-танлов бўлиб ўтди. Берилган барча шартларга тўлиқ жавоб берган 9-«е» синф қизлари голиб деб топилди, уларга эсдалик совғалари топширилди. Бундай муваффақиятга эришишда қизларнинг устози - меҳнат ўқитувчиси Гулнеҳра Нуралиеванинг ҳиссаси катта бўлди.

Манфаатлар муштараклиги

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясида Халқро темир йўллар ҳамжамияти кўмитасининг темир йўл ташувини ташкил этишни янада яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланган йиғилиши бошланди. 25 давлатдан кел-

ган ушбу соҳа вакиллари уч кун давомида халқро темир йўллар орқали юк ташини тақомиллаштириш, шўнингдек денгиз порти ҳамда ТРАСЕКА дастури доирасидаги масалаларни муҳокама қилади.

ЎЗА ва «Ишонч» мухбирлари

Ислом КАРИМОВ: Биз ўз миллатимизни муқаддас динимиздан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг кенгайтирилган раёсат йиғилишида 16 февралдаги террорчилик ҳаракати қурбонлари номига улуглаш, уларнинг оила аъзоларига 100 минг сўмдан инсонийлик мадади кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Куни кеча Федерация кенгаши вакиллари жабрдийлар хонадонларида бўлиб савоб ишни амалга оширдилар.

...Бибисора Сиёеванинг орузлари кўп эди. Ҳаётга чанқоқ қалби уни ҳаммаша эзгулик сари ундарди. Катта рўзгорга кўмаклашиш, уй-жойни тартибга келтириб, тўйлар қилиш ҳаракатида йиллар мобайнида фидоийлик кўрсатиб ишларди. Умрдоши пенсионер Ринат Утевнинг хурматини жойига қўйди, соғлиги ҳақида алоҳида қайғурди. Инсонийлик бурчини адо этиб, қайнларини уйлантириш, уйли-жойли қилиш учун маблағ тўплади. Бахт ва бахтсизлик ёнма-ён юрди, деганлари рост экан. Орузасига шу йил эришман деганида террорчиларнинг ёвузликлари уни ҳам орамиздан бевақт олиб кетди. Катта оила ўз суянкисидан айрилди. Бироқ, Утевлар ёлғизланиб қолмадилар. Бошқалар қатори Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федера-

БУГУН БЕШИКДАГИ БОЛАМИЗ ҲАМ ҲУШЁР

цияси ҳам уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Хонадонга Федерация кенгаши раиси, Олий Маҳлис депутати Дилбар Жаҳонгирова бошчилигидаги кишилар ташриф буюрдилар. Марҳумнинг умрдоши Ринат ака Утевга Федерация кенгаши раиси 100 минг сўм ёрдам пулини топширди.

— Президентимизга эътиқод қўйган, унга суянган, орзу-умидларини ул меҳрибон зот фаолияти билан боғлаган мусулмонлардан бириман, - дея дил сўзларини изҳор этди хонадон соҳиби.

— Террорчилар мамлакат ҳаётига, бизга ўхшаган баъзи оилаларга таъсири ни ўтказса-да, ҳаётимизни издан чиқара олмадилар. Одамларимизнинг нақадар улуглиги, ҳукумати- мизнинг меҳрибонлигини ҳам инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

— Кимнинг ким эканлиги оғир дамларда билдирилган, - фикрни ифода- лашди Абдуллаевлар оиласи вакиллари - Давлатимиз раҳбари барча- мизни ўз ҳимоясига олганлигини юракдан сез- япмиз. Мустақил Ўзбе- кистонимизда ҳеч ким, ҳеч қачон ёлғизланиб қол- майди. Оғир кунларда бошимизни силайдиган, эзгу ишларга раҳнамо бўладиган юртбошимиз билан ҳар қанча фахрлан- сак арзийди. Қанчалик оғир бўлмасин, 16 фев- рал воқеалари кўзимиз- ни очди. Эндиликда гўё- ки бешикдаги боламиз ҳам ҳушёр! Президент жони бизнинг, миллион- ларнинг вужудида, Унга асло чанг солиб бўл- майди!

Шу куни худди шу Шайхонтоҳур туманида ис- тикомат қилган марҳум Аъ- зам Абдуллаев оиласига

Шу куни Ўзбекистон касабаси уюшмалари Феде- рацияси кенгаши вакиллари 16 феврал воқеа- ларининг қурбонлари - Юрий Бережний, Мирхалил Юсупов, Геннадий Данилов, Нурсари Урманов, Ҳик- мат Маҳамедов, Рустем Керимов, Абдувоҳид Ази- мов, Фахриддин Набиев, Муҳаммаддиёр Совет- боев, Муҳаммад Хўжаев, Жамшид Хабиллов, Ди- лрабо Холмўминова, Шокир Юнусхўжаев хонадон- ларида бўлиб ўз инсоний бурчларини адо этди- лар. Ҳар бир оиллага 100 минг сўмдан ёрдам пули топширилди.

М.ҚАЮМОВ, журналист.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ҚАДРИГА ЕТИК


Ёшим етмишдан ўтиб кетди. Ҳаётнинг ачиқ-чучугини кўрдим. Отам раҳматлик қолдирган Куръони Карим ҳали ҳалигача уйимизнинг тўрида бахмал жи- лда сақланади. Гарчи диндор бўлмасам-да, мен бу диндан ёмонлик кўрмадим. Болалигим- дан ота-онамиз, катталар бизни нафақат беш вақт номозни қанда қилмасликка, балки ноўрин иш- ларни қилмасликка ҳам даъват этишган. Мен ҳам фарзандла- римга, шоғирдларимга ана шун- дай сабоқ бердим.

тоб нашр қилиш у ёқда турсин, ҳатто ўқишга-да руҳсат берилмас- ди. Китоб сақлаганларга жиноят- чидек қараларди. Масжидларни- нг, мадрасаларнинг гўмбазлари пештоқига битилган кутлуг оят- ларни бузиб, кўчириб ташлашга- ни, муқаддас китобларни ёқши- ганни ҳақиқат-ку. Худога шукр, му- стақиллик туфайли масжидлар эшиги очилди, китоб дўконлари- да динга оид китоблар сотилаял- ти. Марҳамат, олинг, ўқинг, мағ- зини қақинг, риоя қилинг. Ҳўш, қани, айтингчи, диний китоблар- нинг қайси бирида мусулмон

одам бировга жабр қилиши, қурол ишлатиши мумкин дейилган?! Ҳайронман, нега айрим манфур ким- салар динимизнинг инсонпарварлик гояларини бошқача талкин қилишга уринадилар?

Ростини айтсам, Президентимиз- нинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбири саволларига жавоб- ларини ўқиб, ҳаяжонланиб кетдим. Негаки, юртбошимиз билдирган фи- қрлар диннинг жамиятдаги ўрни, мо- хиёти ҳақидаги гавҳар сўзлардир. Унинг мағзини қақиб ўқиган киши ўз ҳаётининг, мустақиллигининг қад- р- қимматини тушуниб етиши аниқ.

Аҳмад НАРЗИҚУЛ ўғли, Самарқанд шахри.



УЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИРНОФИГА ҲАМ АРЗИМАЙДИ

Муҳтарам Президентимизнинг «Туркистон-пре- сс» ахборот агентлиги муҳбири саволларига жа- воблари бежизга «Оллоҳ қалбимизда, юрагимиз- да» деб номланган. Бу сўзлар замирида улкан маъно ётибди. Халқимиз азалдан динни шундай содда ва табиий тушунган. Бунинг маънавияти, ма- данияти ва дунёқараши юксак юртдошларимиз ми- солида кўриш мумкин.

Президентимиз: «Биз фарзандларимизни дунё- вий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Тер- мизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тар- бия қилмоқдамиз», дея ҳақ гапни айтганлар. Асли- да ҳам, биз бу буюк аждодларимизга дин намоён- далари деб эмас, балки инсонни ҳалолликка, пок- ликка, тўғриликка, эзгу ниятларга бошловчи таъли- мотларнинг, мухтасар қилиб айтганда, тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимизнинг зукко билим- доллари деб қараймиз. Шундай экан, бизни Пре- зидентимиз бошлаб бораётган йўлдан ҳеч ким ва ҳеч қандай қора куч қайтарса олмайди.

Фармон АМИНОВ,
«Маънавият ва маърифат»
жамоатчилик маркази
Бухоро вилояти бўлими раҳбари.

ВАТАНГА БАХШИДА УМР

Президентимиз Ис- лом Каримовнинг «Тур- кистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига берган жа- вобларида «Оллоҳ қалбимизда, юрагимиз- да» деган сўзларини ўқиб жуда таъсирланиб кетдим. Бутун умрини халқига, миллатига бах- шидида эътибор Юртбо- шимизнинг ислом дини- га хурматини, эътиқоди- ни кўриб, уларнинг до- нишмандлигидан, зукко- лигидан меҳрим товла- ниб кетди. Динни никоҳ қилиб олиб исломга шак келтираётганлардан нафратландим. Милла- тининг фахри бўлган Президентимизнинг соғ-омон бўлишларини парвардигордан тилаб қоламан.

А.ОРЗИЕВ,
«Нуроний»
жамғармаси Навоий
вилоят бўлими раиси.

ДИНИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАЙМИЗ

Президентимиз «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбири са- волларига берган жавобларида ўз эътиқодларидан, халқимизда ми- нг йиллар давомида шаклланган қадриятлардан ҳеч қачон қайтмас- ликларини таъкидлаганлари динни никоҳ қилиб, сиёсатга аралашаёт- ган нопок кимсаларга берилган каттик зарба бўлди.

Ёшим бир ерга бориб қолди. Мустақил тузумнинг динимиз боши- га келтирган қунарига ўзим гувоҳман. Уша кунларда ҳам халқимиз ўз иймонидан кенга ни ёқ. Бугунги фаровон ҳаётимизда авлоддан- авлодга ўтиб келаётган ислом динига кенг йўл очилди. Биз галами- сларнинг пок динимизга доғ туширишларига йўл қўймаймиз.

Сайфулла ОҚМИРЗАЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси
Мирзо Улугбек туман бўлими раиси.
Тошкент шахри.

БАХТЛИ ХАЛҚМИЗ

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига берган жавобларини катта ҳая- жон ва қониқиб билан ўқиб чиқдим. Унда, авваламбор, Президенти- миз ислом дини тарихини, улуг алломаларимиз, имомларимиз ижодини яхши билишларини англадим. Муқаддас китобларда эл бошида турган подшо оқилу доно бўлса, ўша халқ бахтли дейилган. Ҳақиқатан ҳам юртбошимизни бизга Яратган етказган.

Мусулмонларнинг диний эҳтиёжларини эмин-эркин адо этишга, муборак ҳаж сафарига бориб келишга ғамхўрлик кўрсатаётганлик- ларидан бутун халқимиз чексиз миннатдор. Илгари ҳажга бориш кўпчилик ватандошларимизнинг тушига ҳам кирмаганди. Шундай Президентимизни асрашимиз керак.

Ботиржон хожи Ортиқбой ўғли,
Сирдарё вилояти, нафақахўр.

Хотира ҳисоби- га 100 минг сўм

Ўзбекистон метал- лургия ва машинасоз- лик саноати тармоқла- ри ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси раёсатининг навбатдаги йиғилиши- да Тошкент шахрида содир этилган воқеа- лар муносабати билан очилган Хотира ҳисоб рақамига 100 минг сўм ўтказишга қарор қи- линди.

Раёсат йиғилишида сўзга чиққанлар, юз бер- ган террорчилик ҳара- кати авваламбор қора куч- ларнинг Ўзбекистони- мизнинг ютуқларини кў- ра олмаслик, Ватани- миздаги тинчликни бу- зиш, халқимизнинг ёр- қин келажакка бўлган ишончига раҳна солиш учун қилинган очик тажову- зи деб баҳоладилар. Ва бу фожеада ҳалок бўлганларнинг оилалари- га ҳамдардлик билди- риб, барча меҳнатқаш- ларни давлатимиз раҳ- бари атофида жипсла- шишга бунинг уларининг ҳалол меҳнатлари билан амалда исботлашга ча- қирдилар.

Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг Ва- зирлар Маҳкамаси маж- лисидан қилган «Келажак- ни жасоратли одамлар қуради» маърузасидан келиб чиқадиган тармоқ касабаси уюшмаси вази- фалари тўғрисидаги ма- сала Раёсатда кўриб чи- қилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Раёсатда тармоқ касабаси уюшма фаолиятига тааллуқли бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумла- дан Марказий кўмита билан тармоқ хўжалик органлари орасида 1998-2000 йилларга ту- зилган битимга Аёллар йили муносабати билан тармоқда меҳнат қилаёт- ган хотин-қизларни иж- тимоий-иқтисодий ҳи- мoya қилиш тизимини тақомиллаштириш, кам таъминланган ва муҳтож оилаларни моддий қўл- лаб-қувватлаш, маданият ва спорт иншоотлари- нинг моддий техник ба- заларини мустаҳкамлаш мақсадларида бир қатор узағтириш ва қўшимчалар киритилди.

Этибор қилган бўл- сангиз, айни йиғим-те- рим авжига чиққан кез- лар йўл чеккасига, ҳар ер-ҳар ерга почта қути- сидан каттароқ яшиқ қўйилади. У хирмонга олиб кетилаётганда тў- қилган пахталарни со- лиш учун эканлигини ҳамма яхши билади. Кечгача йўлдан беш ки- ло йиғиштириб олинса ҳам ҳарна-да. Тома-то- ма қўл бўлур, дейдилар- ку ахир!

Лекин шу кеча-кундуз- да гувоҳи бўлиб турга- нимиз манзара...

Асфальт йўлнинг икки чети бўйлаб сочилган пахталарни кўриб, тўғри- си, ҳайратга тушидик. Да- лага ҳайдаб кетилаётган моллар учун тайёр емиш. Бир жойга кўпроқ тўқилган шекилли, 5-6 бош қорамол уймалашиб қолди. Худди шу пайт... Ўтаётган машиналардан хўркибми, бир жуфт мол шохлашганича йўлни тў- шишди. Бунинг кутмаган ҳайдовчи ҳар қанча эх- тийткорлик қилмасин, моллардан бирини тур- тиб юборди.

Тўғри, машинага унча- лик зарар етмади. Мол эса оқсоқланганча на- ри кетди. Ана энди кў- ринг ҳангомани! Мол эгаси ҳайдовчининг ёқа- сидан олди, ДАН ходим- ларини қақирши билан кўрқитиб, пўписа қил- ди. Ол кетди, ол қўйди, жанжал бошланди.

Билмадим, воқеа ни- ма билан туғади. Агар йўлга пахта тўқилма- ганда бу нохушлик бўл- масмиди, деган фикр ўтди ҳаёлимдан. Акси- га олиб, куннинг иккин- чи ярмида ҳам шунга ўх-



шаш воқеа устидан чиқ- дим. Арнасой тумани- нинг Бобо Файзиев ном- ли фермер хўжалиқла- ри уюшмаси қабул пу- нкти яқинида пахта ор- тиб кетаётган «Қолж- на»дан бир қучоқ ҳосил йўлга тўқилди. Ҳайдов- чи бунинг билдими, йўқ- ми, йўлида давом этаверди. Юк усти ёпилмагандан кета- лик зарар етмади. Мол эса оқсоқланганча на- ри кетди. Ана энди кў- ринг ҳангомани! Мол эгаси ҳайдовчининг ёқа- сидан олди, ДАН ходим- ларини қақирши билан кўрқитиб, пўписа қил- ди. Ол кетди, ол қўйди, жанжал бошланди.

Бейхитиёр йўлаб қол- дим. Қабул пунктидан Пахтакор пахта тозалаш корхонасигача 40 кило- метр. Шунча масофага етгунча қанча ҳосил но- буд бўларкин? Бояғи сочилиб ётган пахта ҳам тозалаш корхонасига та- шиш пайтида тўқилган- да. Наҳотки кўп жойда аҳвол шундай бўлса?!

Арнасой туманида пахта тозалаш корхона- си йўқ. Туманда етиш- тирилган барча ҳосил

Пахтакор туманидаги корхонага ташлиб, қайта ишланади. Мен юқорида айтган Б.Файзиев номли қабул пункти корхонага энг яқини. Туманининг «Фар- гона», «Қозоғистон», «Ол- тин водий» ва «Андихон» фермер хўжалиқлари уюшмаларидаги қабул пунктлари 60-80 кило- метр масофада жойлаш- ган.

Шу кунларда пахта та- шиётган қайси техника- га қарамаган, ё кутилари тешик, ё усти ёпилма- ган. Битта тиркама ара- ва ёки «Қолжана» усти- ни ёпиш учун қанча ма- буд бўлади? Кўп бўлса 8-10 метрда. Та- шиш давомида ерга тў- қилаётган пахтадан қан- ча мого ишлаб чиқари- ларкин?

Жиззах вилоятида саккизта пахта тозалаш корхонаси, 38 та қабул пункти бор. Қабул пун-

ктларидан тозалаш кор- хоналаригача ҳосил та- шиладиган ички йўллар салкам 1100 километр. Ана шу йўлнинг ҳар ки- лометрига ҳар бир та- шиш улувидан ярим ки- лограммдан пахта тў- қилса, 500 килограмм бўлади. Лекин пахтани битта эмас, ўнлаб увел- лар ташияпти. Демак, деҳқоннинг пешона те- ри билан етиштирилган тонналаб ҳосил йўлга тў- қилмоқда.

Ваҳоланки, ана шу тонналарни етиштириш жараёнида деҳқон қан- ча захмат чекади.

Пахта қабул пунктига топширилган, хўжалик- лар ва туманлар раҳбар- лари ҳосилнинг бундан кейинги тақдирига ло- қайд бўлиб қолишлари- га ҳайрон бўласан ки- ши. Тозалаш корхонала- ри ва пахта саноати ви- лоят бирлашмалари раҳ-

барлари-чи? Улар қаёқ- га қарашяпти?! Наҳотки озгина бўлса-да, виж- донлари қийналмаса? Ёки бу увол ҳам аввал- дан режалаштирилган- ми?

Заҳматқаш деҳқон ўз меҳнат натижаси бўл- миш пахтани молларга емиш қилиб, гилдирак- лар остида лойга қо- риштириш учун етишти- маганди-ку ахир! Бу ман- зарани кўра билиб, йўл посбонлари- ДАН хо- димларининг томошабин бўлиб туришлари қизиқ.

Яқинда Тошкент-Са- марқанд йўналишидаги автобусда уч-тўрт на- фар хорижликларнинг кўчани кўрсатиб, нима- ларнидир қизгин мухо- кама қилаётганлари эътиборимни тортиди. Ёнларидида тилмоқдан уларнинг нима дейи- шаётганини сўрадим. «Бу ердагилар ўз меҳ- натларини қадрламас эканлар, агар бизда бўлсайди шу пахта- лар», дейишяпти, ту- шунтирди у.

Ўзини билган одам учун бу оғир дашном. Тежоглиқнинг иши бе- жоглик деб бежиз айтишмайди. Бу бозор иқтисодиётининг бир- ламчи шартларидан- дир. Ахир ким кўрган кўчада пул сочилиб ёт- ганини? Пахта - беба- ҳо бойлик-ку! Наҳотки бунинг кўпга бош бўлган раҳбару мутахассис- лар тушуниб етиш- маётган бўлсалар?!

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Ислохотлар - инсон учун

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви касабаси уюш- маларининг ҳамкорлик ва дўстона алоқалар ўрнати- ши учун туртки бўлаёттир. Бинобарин, бугунги кунда сарможалар чегараларни тан олмаган ҳолда ишлаёт- ган экан, касабаси уюшмалардаги ҳаракатлар ҳам шу тарзда сарҳадлар оша ривож топиши, жаҳон микё- сидаги жараёнларга айланиши лозим. Қурилиш ва ёғочсозлик саноати ходимлари халқаро Федерация- си (КЕСХХФ-Женева) ана шундай кенг қўламадаги ҳам- корликларни изга солган олашумул ташкилотлар- дан ҳисобланади. Хусусан, бугунги кунда қарийб 115 мамлакатнинг 271 касабаси уюшмасини бирлаштириб турган Федерацияда 13 миллиондан ортиқ аъзо бор- лигининг ўзи бу ниҳоятда катта куч эканлигидан да- лолат беради. Куни-кеча ушбу Федерация ҳамда Ўз- бекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати хо- димлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси ташаб-

МЕҲНАТҚАШЛАР ҲИМОЯСИ - ХАЛҚАРО КЎЛАМДА

буси билан ўтказилган ҳудудий конференцияда шу соҳа касабаси уюшмалари олдидан турган муаммолар ҳақида гап борди.

Конференцияни бошқарган Стен Петерсен айниқ- са меҳнатқашларга иш ҳақи тўлаш масаласини бу- гунги куннинг долзарб муаммоси эканлигини тан ол- ди. С.Петерсен қурилиш ва ёғочсозлик саноати хо- димлари халқаро Федерациясининг котиби ҳисоб- лангани учун мазкур масалалар уни биринчи навбат- да ташвишлантиришини билдириди. Дарвоқе, қурув- чи, ёғочсоз, буюкчи ёки оддий пардозловчи ишчи- ларнинг иш ҳақини олишидаги узилишлар Россия Федерациясида анча газак отган муаммо эканлиги- ни Эркин касабаси уюшмаларининг халқаро конфе- рацияси вакили Вадим Борисов ҳам таъкидлаб ўт- ди. Меҳнатқашларни «насиёга ишлатиш» жараёни 1992 йиллардан бошланган эди. Аввалига касабаси уюшма ташкилотлари иш ҳақини мунтазам ошириб бориш ҳақида қақирувлар қилишган бўлса, 1994 йил- ларга келиб қарзларни қайтариш борасидаги даъват- лар билан чекланиб қолиши ҳолос. Россия ўрмон хўжалиги ходимлари касабаси уюшма Марказий Кўми- тасининг раиси Валерий Очекуров тизимдаги иқти- содий, сўнгра эса ижтимоий мувозанатларнинг бу- зилишига Россиядаги ислохотлар изчил, олдидан аниқ-равшан белгилаб олинган режа-дастурлар асо- сида бормайётганлиги сабабли содир бўлганини таъкидлади.

— Қурилиш соҳаси ҳар бир мамлакатда иқтисо- дий ислохотлар даражасини белгилловчи меъёрий ўл- чов ҳисобланади, - дейди Ўзбекистон қурилиш ва ку- рилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси уюшма Марказий Кўмитаси раиси Шокир Екубов. - Тизими- мизда баъзи муаммолар, хусусан меҳнатқашлар иш ҳақини 2-2,5 ойга кечиктириб бериш ҳоллари учраб турган бўлса-да, аъзоларимиз сафини сақлаб қолиш, кучли ижтимоий ҳимояни рўёбга чиқариш борасида жиддий ишлаяпмиз.

Албатта, қурилишда, умуман иқтисодиётда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини яқин кела- жакда юртимизнинг ижтимоий жаҳзадида ҳам ўз ижо- бий акс-садосини берса ажаб эмас. Ҳар ҳолда кон- ференция иштирокчилари шундай кўтаринки руҳда фикр билдиришди.

Н.АЛИМОВ.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва ижтимоий ҳимоя

Республикада халқ таълимини ислох қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури фикри-мизнинг яқол далилидир. Айни кунларда ана шу дастурни ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиш юзасидан жойларда ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Конимех туман халқ таълими бўлими иши билан яқиндан танишганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Конимех ҳудудий жиҳатдан анча катта бўлиб, бу ердаги аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланади. Бугунги кунда туманда истиқомат қилаётган ёшларнинг илм олиши, ўқиши учун замо-

фоизи шу тўғарақларга жалб этилган. Бундан ташқари Мирзо Улугбек номили 7-мактаб жамоаси кўрик танловда биринчи ўринни олди. Вилоят миқёсида бўлиб ўтган «Йил ўқитувчиси» кўрик танловда шу мактабнинг химия фани ўқитувчиси Меҳринисо Султонова иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. «Америка—Ўзбекистон халқаро ҳамжамияти» томонидан уштирилган танловда иккинчи ўрин эгаллашди, 2700 АҚШ доллари қийматида тенг бўлган кўчирма машинкасини олишга сазовор бўлди.

Туман ҳокимлиги бошчилигида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш бўйича 2000 йилгача бўл-

КОНИМЕХ ЁШЛАРИ

навий билим ўчоқлари, мактаб-интернатлар қад ростлаётир. Шуниси эътиборга лойиқки, чорвадор фарзандлари ҳам янги техника воситаларига эга бўлган замонавий типда қурилган мактабларда илм олишмоқда.

Айни чоғда туман халқ таълими бўлими тасарруфидида 42 та умумтаълим мактаби, 5 та мактабгача тарбия, 2 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда 9931 нафар ўқувчи ўқимоқда.

Мактабларда таълим-тарбия савиясини кўтариш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир. Шунинг учун баъзи фанларни чуқурлаштириб ўқитишга эътибор қўйилган. Айрим мактабларда тарих, чет тили, ҳуқуқ, математика, физика, она тили фанлари бўйича махсус синфлар ишлаб турибди. Шунингдек, 6-мактабда рейтинг тизимини жорий этиш, 9-мактабда тарих фанини, 10-мактабда ўзбек тили фанини ўқитиш бўйича синов-тажриба майдончалари ташкил этилди. Натижада 59 нафар ўқувчи олимпиадаларда қатнашиб, икки нафари биринчи ва иккинчи ўринни эгаллашди.

Туман мактабларида 333 тўғарақ ишлаб турибди. Йигит ва қизларнинг 80

ган режа ишлаб чиқилган. Туман марказида 3 та, ҳўжалиқлар ҳудудида 4 та мактаб замонавий усулда қурилган. Бугунги кунда баркамол авлодни етук қадрлар қилиб тарбиялашга бел боғланган ўқитувчилардан 780 нафари хотин-қизлардир.

Улар ўртасида тажриба алмашиш мақсадида баҳс-мунозаралар олиб бориляпти. Хар чорак якуналарига кўра энг илғор, деб топилган ўқитувчилар раб-блантлари билан бўрилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг педагог ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўрисидаги фармони бўйича муаллимларга моддий мадад кўрсатилляпти. Шунингдек, ўқитувчилар турли соғломлаштириш оромгоҳларига ўз вақтида юборилляпти. Туман миқёсида 9 та интернат ўқувчиларнинг овқатланиши ҳам имтиёзли тарзда амалга ошириляпти.

Яқинда туман халқ таълими бўлимида тармоқ касба уюшма қўмитаси фаолияти чуқур таҳлил этилди. Муаммоларни ҳал этиш, тармоқ ходимлари ва ўқувчиларини ижтимоий ҳимоя қилишга касба уюшмалари олиб борадиган вазифалар атрофлича белгилаб олинди.

Воси НОСИР, «Ишонч» мухбири.

Шу сонга хабар


НАМАНГАН ЧОЙИ

Бозорларда ва савдо шохобчаларида «наманганда қадокланган» деган ёзув битилган чой пайдо бўлганига бир йилдан ошди. Баъзилар чой фабрикаси шаҳарнинг қайси бурчагида экан, дея ҳайрон ҳам бўлишляпти. Ҳақиқатдан ҳам вилоятда шундай саноат тармоғи бор. Аммо шаҳарда эмас, балки Уйчи туманида жойлашган. У «Ал-Жаҳон» номи билан аталган ўзбек-хитой қўшма корхонасидир. Фарғона водийсидаги ягона корхона ўтган йилнинг апрел ойида дастлабки маҳсулотини тайёрлади. Уч хил арктикулдаги Хитой қўйи қадокланиб истеъмолчиларга армуғон этилди. Умуман, 1998 йилда қўшни мамлакатдаги «Анхой» корпорациясидан шартнома асосида 300 тоннага яқин аёло навли кўк чой хомашёси келтирилиб қайта ишланди.

— Лекин бу кўрсаткич йилгига 4 минг тоннага яқин чой истеъмол қиладиган вилоятимиз аҳолиси эҳтиёжини қондира олмайдди, — дейди корхона директори Юсуфжон Муъинов. — Лекин 1999 йилдан умидимиз катта. Квота масаласи ҳал этилса, келтириляётган хомашё микдорини кўпайтириб ишлаб чиқариш микдорини кескин ўстириш, шу йўл билан қўшни вилоятлар аҳолисини ҳам бу зарур маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришни мўлжалляпмиз.

Тараддуд

Жаннатмакон юртимизга Наврўзи олам кириб келаятир. Унинг ташрифидан дарахтарл буютигагина эмас, соғинчдан кузги япроқлардек сарғайган кўзлар қароғида ҳам куртаклар кўз бради. Нафақат қувончдан куёшдек қулган кўзлар, балки баҳорий иликликдан сўзлар гуллайдди. Наврўзни қаршилаган лолақизгалдоқлар бахтдан масрур юзлардан бетакрор ранг олади. Куёшни соғинган она замин етилган хамирдек кўпчиди. Баҳорни, гуллари интиқлик билан қутган қўшларнинг чуғур-чуғури остида бободоқон даласига йўл олади.



— Наврўзи янги кун бўлибгина қолмай, йилнинг, қолаверса, барча эзгу ишларнинг ҳам бошланишидир. Буни тўғри англаган бектемирликлар бу муборак кунни муносиб кутиб олиш учун ҳаракатни аллақачонқ бошлаб юборишган. Туман ҳокими Ш.Ҳикматов раҳбарлигида ишлаб чиқилган дастур асосида қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмақда. Ариқлар қазилиб, зовурлар тозаланмоқда. Бог-роғлар, дов-дарахтларга шакл берилиб, янги ниҳолларга ўтказилмоқда.

Наврўзи сайлари ўтказиладиган Г.Красницкий номидаги стадионда ҳозирданқ байрамона руҳ кезиб юрибди. Хар бир маҳалла ўзига ажратилган жойини тартибга келтириб, кичик меҳмонхоналар ташкил қилишмоқда. Хуллас, Бектемир туманида яшовчи хар бир миллат вақили бу кўтлуг айёмни муносиб кутиб олиш ҳаракатида.

— Бу йилги Наврўзи олам ўзгача байрам сифатида нишонланади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раисси Х.Мир-

Темир ҚУРБОН.

МАҲАЛЛАНГ — ОТАНГ, ОНАНГ

Ғиждувон туман «Ғофмун» қишлоқ фуқаролар йиғини раисси Хумора Ҳамроева:

— Биз истиқомат қилаётган А.Ғиждувоний номли жамоа ҳўжалигида 15 мингдан зиёд аҳоли, бошқача айтганда 3510 та оила умргузаронлик қилади. 5 та замонавий типдаги мактаб ва 5 та давлат таъминотидаги боғча, 10 дан ортиқ кичик корхона, 50 га яқин савдо дўконлари мавжуд.

Қарс икки қўлдан деганларидек, ҳўжалик раҳбари Неъматжон Қудратов билан ҳамкорликда хар бир оилага имконият даражасида кўмаклашиб келмоқдамиз. Мен шу даргоҳда иш бошлаган йили туғилган болалар 17 ёшга тўлди. Мана шу 17 йилдан бери бераётган ўғитларим, қилган меҳнатларим, худо хоҳласа, ўз ҳосилини беради. Энг аввало мен шуниси билан фахрланаман.

Биз ўтган йилда 10 дан ортиқ оилани сақлаб қолдик. 82 та янги ҳўжаликка уй-жой учун иморат ва томорқа ерлари ажратиб бердик. 1221 оиладаги 16 ёшгача бўлган болаларга 9 миллион 332 минг 536 сўм, кам таъминланган 552 оилага 2 миллион 50 минг 165 сўм маблағ тарқатилди. Қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш борасида 165 нафарини хунарлари бўйича ишга жойлаштирдик. Ҳўжалигимиз ҳудудидаги «Шаҳло» кичик корхонасида яна 100 ўринли иш жойи ташкил этиляётир. Албатта, бу рақамлар билан мақтанолмайман.

Ҳа, Хумора ола ана шундай камсуқум инсон. У киши узок йиллик меҳнатлари учун «Эл-юрт хурмати» ордени билан тақдирландилар. Албатта, ушбу нишон Хумора опага яна масўлият юкляйди. Сабаби жамиятнинг, давлатнинг соғломлиги энг аввало оиладан. Оила эса ўз ўрнида маҳалла ўҳитига боғлиқ. Чунки Маҳалла Ватан ичра ватандир.

«Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 26 январ сонидида чоп этилган «Дебиторлик қарзи корхонани фалаж холатга келтирди» сарлавҳали мақолада Сарюсий туманидаги 104-автокорхонада дебиторлик қарзлар кўпайиб бораётгани, эркин ва чет эл сармоядорларига сотилиши мўлжалланган 49 фойз қимматли қозғолар ҳаракатсиз ётганлиги, аксарият машиналар носозлиги сабабли йўлга қўйилмаётгани, ҳайдовчилар ойлик маошларини ололмаётгани ва бошқа камчиликлар танқид остига олинган эди.

Кўни кеча газета чиқишига «Узавоттранс» Давлат акциядорлик корпорациясига қарашли Сурхондарё вилоят «Тўпалан» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раисси Т.Абдуқаҳоров имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан қуйидагилар маълум қилинган:

«Мақола ҳиссадорлик жамияти бошқарув раёсати

ТАНҚИД ҲУШЁР ТОРТТИРДИ

аъзолари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Раҳбар муовини А.Тўраева мижозларга 15 фойз гул тўланмасдан автомобиллар ажратишни таъқиқлаб, зиммасига автотранспорт хизматига мўҳтож, банда маблағи мавжуд корхона ва ташкилотлар билан шартномалардан қарзларни тезроқ қарзлари бўлган ташкилотлардан қарзларни тезроқ қарзлари бўлган ташкилотларнинг сулдарига ошириш вазифалари юклятилди.

Бош муҳандис А.Кучаровдан автомобилларга қаров ва жорий таъмирлаш ишларини тўбдан яхшилаш, уларни соз ҳолатга келтириш, ундириляётган пул маблағлари ҳисобига автошина ва бошқа эҳтиёт қисмлар сотиб олиш талаб қилинди. Бунинг учун унга бир ой муддат берилди. Агар шу вақт ичида топшириқни удалай олмаसा, у эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши масаласи кўрилади.

Бош ҳисобчи А.Саидов зиммасига эса ҳайдовчилар, чилангарлар ва муҳандис-техник ходимларнинг ҳанузгача тўланмаган 550 минг сўм микдоридидаги маошларини қисқа фурсатда тўлаш вазифаси юклянди. Шунингдек, туриб қолган қимматли қозғоларнинг 49 фойзини сотиш учун айни тадбир ишлаб чиқиш бош иқтисодчи Н.Назарова топширилди.

«Тўпалан» ҳиссадорлик жамияти раёсатининг кун тартибига қўйилган вазифалар базарилишини изчил таъминлаш, автокорхонани иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, ишчи-хизматчиларнинг маошларини ўз вақтида тўлаб бериш, ички меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилянди».

БРЮССЕЛ. Белгияда НАТО ҳарбий қўмитасининг штаб бошлиқлари даражасидаги сессияси бошланди.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида Корра денгиз бўйидаги мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

ТБИЛИСИ. Грузияда «Кора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ХХ1 аср бўсағасида» мавзуйда халқаро анжуман бошланди.

Унда ташкилотга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилот вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этмоқда.

Анжуман иштирокчилари икки кун давомида Корра денгиз бўйидаги мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилинади.

Анжуман кун тартибидидаги энг муҳим масалалардан бири Косово мижозларидир. Тадбир қатнашчилари бу муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш ҳамда Косового киритилажак НАТО ҳарбий қисмларининг ҳарбий тайёргарлиги билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратади.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Шимолий альянснинг олти минг қўшини Македонияга жойлаштирилган. Уларнинг сони 26 мингга етиши мумкин.



Афина

OLAMDA NIMA GAP

БЕЛГРАД. Югославия президенти Слободан Милошевич НАТО ҳарбий кучларининг Косового киритилиши ҳақидаги ҳужжатга умуман қарши. Бу ҳақда Германия ташқи ишлар вазирини Йоханна Фишер раёнт берди. У Белградда С.Милошевич ҳамда Пирштинанада косововлик албанлар раҳбарлари билан учрашиб, мавжуд мижозорни тинч йўл билан ҳал қилиш борасида ўзаро фикр алмашди. Й.Фишер 15 мартда

Францияда бошланажак музокараларнинг иккинчи босқичи ҳақида гапириб, бу Косово мижозорини тинч йўл билан бартараф қилиш учун сўнгги имконият эканини таъкидлади. Фақатгина Шимолий альянс кучлари ўлкада муқаррар тинчлик қарор топшини кафолатляйди, деди жумладан у.

Югославия сафаридан сўнг Германия ташқи ишлар вазирини Македонияга келди ва мазкур мамлакат раҳбарлари ҳамда бу ердаги немис ҳарбийлари билан учрашди.

Қишлоқ оқишолари нега зерикарли?

Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин ҳамма соҳада туб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, маъийи хизмат кўрсатишини бугунги кун талаби даражасига етказишга алоҳида эътибор бериляпти. Аммо, бу ишга панжа орасидан қараётган жамоалар ҳам йўқ эмас. Бундай камчиликлар баъзи раҳбарларнинг ҳанузгача эскича иш юритиши, ўз соҳаларига масўлиятсизлик билан ёндошишлари оқибатида рўй бермоқда.

«Дўстлик» (собик «Политотдел») ҳиссадорлик жамияти Юқори Чирчиқ туманидаги бакуват, кенг тармоқли ҳўжалиқлардан ҳисобланади. Унинг шундай бўлиши албатта деҳқонларнинг сидқидил меҳнати туфайлидир. Тўғри охириг уч-тўрт йил ичида ҳўжалик бироз оқсамоқда. Режалар ҳам удалланмай қолиб кетмоқда. Лекин, нима бўлганда ҳам ёшлар ўз ҳўжалиқларидан фахрланадилар. Рост-да, бундай бекаму кўст ҳўжалик яна қаерда бор. Истасангиз, сўраб

— Албатта бор. Энди суҳбатнинг давомига эътибор қилинг. — Шу жамоа ҳўжалигига қарашли бизнинг Кавардон даҳасида-чи? Стадион борми? — Ҳа, яқиндагина янги стадион учун жой ажратилди.

— Биринчи сўрашганимизда «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти марказида стадион борми? — Ҳа, албатта, бир эмас, иккита, яна қанақаси денг! — Клуб борми? — Тумандаги энг яхши клуб шу ҳўжалик марказида жойлашган. — Сартарошхона-чи? — Керагича топилади. — Болалар боғчаси-чи? — Шаҳардагидек. — Ичимлик суви-чи?

буси билан катақалдек хонана сартарошхона очилган эди. Аммо у ҳам ҳозир ишламаяпти. Мана энди қишлоқ аҳли соч олдиргани туман марказига қатнамоқда. — Болалар боғчаси-чи? — Бор. Бир эмас, тўрт-

та. Аммо уларда табиий газ, ичимлик суви ва бошқа шарт-шароитлар бўлмаганлиги сабабли неча йилдирки ишламаяпти. Жаҳжи болақайлар боғчаси фақат тушларида қўришмоқда. — Ҳаммом-чи? — Бундан ўн йиллар аввал қишлоқда янги ҳаммом қурилган эди. Аммо беш йилдирки, табиий газ йўқлигидан унинг эшигига қаттакон кулф осиб қўйилган. — Ичимлик суви-чи? — Юқори Чирчиқ тумани

«Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари 1987 йилдан бери Кавардон қишлоғига тоза ичимлик суви олиб келамиз, дея қуруқ ваъдалар билан алдаб келмоқдалар. Қишлоғимизда 5000 дан ортиқ аҳоли, 1000 дан ортиқ хонадон бор. Ана шундай катта қишлоқда ҳамон ичимлик суви муаммо бўлиб турибди. Тўғри, ҳўжалик раҳбарлари қишлоқда сув ташин учун бир машина ва трактор ажратиб берганлар. Лекин бу билан муаммони тўла ҳал этиб бўлмайди-ку! Аҳоли қачонгача маданиятдан орқанда қолиб ҳаёт кечирадиркин? Мутасаддилар бироз бўлса-да қишлоқ аҳолиси дардига қулоқ солиб, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммо ва камчиликлар тўғрисида ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди. Кавардон қишлоғи қачонгача «ўғай» бўлиб қолади.

Латифжон МАНСУРОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ! Муҳтарам Холмўмин ДўСТМУРДОВ!

Муборак 60 ёшингиз кўтлуг бўлсин. Фасллар келинчаги — баҳор борлиқни мунаввар айлаган шу латофатли кунларда бутун вужудингизни қамраган шодликларингизга биз — ҳамкасбларингиз, дўстларингиз, шоғирдларингиз ҳам шерикимиз. Кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнат фаолиятингиз давомида бағри кенг инсон, моҳир ташкилотчи, яхши мутахассис сифатида танилдингиз, ҳурмат-эътибор топдингиз. Масўлиятни чуқур ҳис этиш, касбга садоқат, фидойилик каби фазилатларингиз барчага ўрнак бўларлидир.

Сиз ўзингизни бахтли инсон, омадли оила бошлиғи деб эътибор этишга тўла ҳақлиқсиз. Умрдошингиз билан бир ўғил, тўрт қизни ҳақиқий инсонлар этиб тарбияладингиз. Энди уларнинг қамолли роҳатини кўриш насиб айласин.

Ғоят қувончли кунларда Сизни муборакбод этар эканмиз, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, узок умр, фазилати хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тайлаимиз. Ҳамиша дўсту қадрдонлар даврасида азизу муҳтарам бўлиб юришингизни ният қилиб қоламиз.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси.

«Тико» муборак!

Хавохон Мадумарова Дўстлик туманидаги К.Раҳимов номили ижара ширкатлари уюшмасида фермер. У ўз тасарруфидида 20 гектар ернинг хар гектаридан бултур режадаги нисбатан 2 центнер зиёд ҳосил кўтади. Бундан ташқари, бу аёл тақрибани пиллакор сифатида танилган. Меҳнатдаги ютуқлари учун Хавохон Мадумарова «Тико» энгил автомашинаси билан мукофотланди. Меҳнатсевар фермер бултурги ютуқлардан руҳланиб, бу йил ҳам экинлик ишларига намунали ҳозирлик кўрмоқда. Далага аяқ бериш, сугориш тармоқларини таъмирлаш якунланди. Келди ДўСТБЕК.

КАВАРДОН ЎГАЙМИ?

қўринг-а! — «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти марказида стадион борми? — Ҳа, албатта, бир эмас, иккита, яна қанақаси денг! — Клуб борми? — Тумандаги энг яхши клуб шу ҳўжалик марказида жойлашган. — Сартарошхона-чи? — Керагича топилади. — Болалар боғчаси-чи? — Шаҳардагидек. — Ичимлик суви-чи?

Эл севган полвонлар

Бу полвон тўғрисида Норинда халқ орасида ҳалиям турли хил афсона-ю миш-мишлар кезиб юради. Жуссаси унча йирик бўлмаган, лекин курашда ўта чапдаст, улоқда абжирлиги, пойгада бировдан енгилмагани учун уни Раҳмонча полвон деб эркатлатишар экан.

РАҲМОНЧА ВА ФИРКЎК

Бир куни Ҳожиматбой набира тўйида халққа кўпқари беришини эълон қилди. Кўпқарини эшитган казо-казо чавандозу полвонлар оқиб келишди. Улкан майдон айланаси одамлар билан тирбанд. Кўш бозори сингари аралаш-қуралаш халойиқ отлар ари уясидек гўжгон ўйнаётган галадан кўзини узмайди. Ким улоқни майдонда айлантириб сўри пойга келтириб ташласа, соврин ўшаники. Кўпқари авжига чиққан. Шу куни Раҳмон полвон касал отасига табиб келтириш билан овора бўлиб пича ушланиб қолгани боис улоққа кечикиб келди. Келди-ю хуноби баттар ошди. Кўрдик, давра аралалар билан ўралган, от ўтиши учун умуман имконият йўқ. У ёқдан бу ёққа чапётган тулпорлар тўпини кўрган Фиркўк безовта. Чавандоз йўл излай бошлади. Юраги бетиним дуқуллаганча давра тевагарини айланар экан, кўтмироқ томошабинларнинг бири киносин билан гап отди: «Отни қўйнай берманг, қариндош, аравининг гулчагага бўлсаям боғланг-да, бизнинг қаторга қўшилинг, ўйиннинг кизиги ўтиб кетяпти, ахир».

бида ғазаб билан от жиловини майдон четини маржондек қуршаган аралалар қаторига қараб бурди. Кўпқари ортидан эргашган тўда шу томонга яқинлашиб келарди. Ҳаммининг нигоҳи шу томонда.

Ҳа, Фиркўким, осмондаги юлдузим! Худо ёр бўлсин, фурсат келди, кўрсат кучингни!

Кўпчилик аввалига майдон ташқарисидан от чоптираётган чавандознинг ниятига тушуниб етмади. Ниҳоят чавандоз кўз олдида аралалар қаторлашганида отини раббатлантиргандек тагин бир бор жиловини қаттиқ силтади-ю киприкларини «чирт юмиб» от бўйнига маҳкам ёпишди. Фиркўк туёқлари ерга гупиллаб урилганда, бошини кўтарди-да, чанг тўзон чилла туманидек кўтарилаётган тўда орасига қўшилиб кетди. Фиркўк аралалар тепасидан сакраётганда бир дақиқа сув қуйилгандек сукунат чўккан майдон бўйлаб момақалдироқ гўмбўригандек қудратли ҳайқирдиқ янгради: «Раҳмонча полвонга офарин!»

Фиркўкнинг қаноти бор экан, офарин, офарин!

Тинимсиз олқишлар оғушида шу кун юз чоғли отлар галаси ичидан Раҳмонча полвон уч бора улоқни сўри пойга ташлаб, энг катта совринлар эгаси бўлди. Шу-шу Фиркўкнинг қанотли тулпор эканлиги ҳақидаги афсоналар элма-эл кезмоқда.

Юрагида гурури бор эмасми, кўпқарида қатнашмай кетишни ўзига ор билган чавандознинг хаёлидан нимадир «ярк» этиб ўтди. Юзи шувит бўлиб қишлоққа қайтгандан кўра, арава шотисгами, гулчакками урилиб ўлиб кетгани минг бора афзал эмасми!

Полвон шундай қарам-қарши ўйлар гирдо-

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири



Шахрисабз тиббиёт билим юртида 1500 нафар талаба даволаш, ҳамширалик ва доялик мутахассислиги бўйича таълим олишади.

Уларга замонавий фан ва техника сирларини мукамал эгаллаган тахрибали педагоглар кунт билан сабоқ беришяпти. Билим юртида 30 йилдан ортиқ самарали меҳнат қилган фидокор ўқитувчи Тожиниса Насриддинова ва ана шундай устозлардан бири. Меҳридарё мураббий шу кунларда нафақада бўлишига қарамай, ёшларга таълим-тарбия беришда сафдошларига ўрнатилган бўлмоқда. Шунинг учун ҳам уни катта-ю кичик хурмат қилади.

Суратда: Тожиниса Насриддинова шогирдлари даврасида.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

ДУНЁДА ШУНДАЙ УЛУФ ЗОТ БОРКИ...

Онандан бош товлама, ошмасин дарди, Шараф тожи эрур оёгини гарди, Абдурахмон ЖОМИЙ

Бошни фидо айла ато қошга! Жисмини қил садқа ано бошига! Тун-кунунга айлагали нурпош, Бирисин ой айла, бирисин қуёш! Алишер НАВОИЙ.

Доимо кулиб юрувчи эрнинг хотини дунёда энг бахтли хотиндир. Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

Фақат хуснига зеб беришдан бошқа нарса билмаган аёллар ҳаётидан ҳам аянчлироқ нарса дунёда йўқ. Бернар ФОНТЕНЕЛЬ.

Сенинг мафтунингман, берайин хабар, Уни икки сўзла этай мухтасар. Ишқинг тупроқ қилгай, аммо меҳрингдан, Бошимни кўтариб бўлгум жилвагар. Умар ХАЙЁМ.

Аёл, бил, лутфу ҳимматга сазовор, Гўдақдек меҳру шафқатга сазовор. Ёшлиқ, телбаликни чиқар бошингдан, Онанг хизматида бўлгил ёшингдан. Носир ХИСРАВ.

Хотин бўлса қобилу ақли расо, Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса гадо. Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Тўловчи: А.АЛИЕВ.

Бу қизиқ

ОРАДАГИ ФАРҚ

Қариш бошланиши билан аёлларга нисбатан эркекларнинг бош мия ҳажми тезроқ кичраяр экан. АҚШ олимлари бир қанча текширувлар натижасида шундай фикрга келдилар. Детройтлик олимлар магнит резонанс усули ёрдамида ёши 65 дан 95 ёшгача бўлган 330 та соғлом мия фаолиятини кузатдилар. Барча синовдагилар ақли фаолияти паст бўлмасдан, диққатни жамлай олсаларда, шунга қарамай эркеклар бош

миясининг ҳажми аёлларникига нисбатан кичик бўлиб чиқди. Бош мия ҳажмининг кичрайиши фикр юритиш жараёнидаги ёки қари эркекларнинг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатадими ёки йўқми, олимлар буни ҳам аниқлаганларича йўқ. Нима учун бош мия ҳажми кичраяди ва аёлларда бош мия тўқимаси кўпроқ сақланади? Ана шу саволларга жавоб топиладими йўқ. Эҳтимол, аёлларда бош мия кичрайиши секин кечилишига сабаб

экстроген гармонидир. Олимларнинг аниқлашича, экстроген мия ҳужайраларини ҳимоя қилар экан. Текширув натижалари қариш жараёнига туб моҳиятини англашга ва нима учун айрим-айримиз қариликни енгилроқ ўтказишимиз хусусидаги саволларга қалит топади.

Раъно РАСУЛОВА хориж материаллари асосида тайёрлади.

«ОЛОЙ БОЗОРИ» ОЧИК АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1999 йил 5 апрелда соат 16-00 да Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида «Олой бозори» очик акционерлик жамияти акционерларининг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилади.

- КУН ТАРТИБИ: 1. Жамиятнинг 1998 йил якули буйича молиявий-ҳўжалик ҳисоботи ва 1999 йил иш режалари тўғрисида. 2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудиториянинг ҳулосаси тўғрисида. 3. 1998 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботини тасдиқлаш ва жамият томонидан олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида. 4. 1999 йилга даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида. 5. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг бўш қолган ўринларига янги аъзоларни сайлаш тўғрисида. Акционерларни рўйхатга олиш 5 апрел кун соат 15-00 дан Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида бошланади. Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати акционерлар реестрининг 1999 йил 5 март ҳолатига тузилади. Акционерларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 72-уй. Мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 1999 йил 29 мартдан бошлаб танишиш мумкин.

«ЮНУСОБОД БОЗОРИ» ОЧИК АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1999 йил 5 апрел соат 12-00 да Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида «Юнусобод бозори» очик акционерлик жамияти акционерларининг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилади.

- КУН ТАРТИБИ: 1. Жамиятнинг 1998 йил якули буйича молиявий-ҳўжалик ҳисоботи ва 1999 йил иш режалари тўғрисида. 2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудиториянинг ҳулосаси тўғрисида. 3. 1998 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботини тасдиқлаш ва жамият томонидан олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида. 4. 1999 йилга даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш тўғрисида. 5. Жамият кузатув кенгашининг бўш қолган ўринларига янги аъзоларни сайлаш тўғрисида. Акционерларни рўйхатга олиш 5 апрел соат 11-00 дан Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида бошланади. Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати акционерлар реестрининг 1999 йил 5 март ҳолатига тузилади. Акционерларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Тошкент шаҳри Амир Темури кўчаси, 72-уй. Мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви идорасида 1999 йил 20 мартдан бошлаб танишиш мумкин.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1999 йил 1 апрел кун соат 11.00 да Республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги КИМОШДИ савдосига таклиф этади.

- Савдога Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида жойлашган, банкрот бўлган «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. «Қарахтай» дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 897,206 минг сўм. 2. «Еш оила» дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 285,327 минг сўм. 3. «Шодмалик ота» дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 909,717 минг сўм. 4. «Жанубий» кафеси биноси. Бошланғич баҳоси 547,339 минг сўм. 5. Ҳўжалик моллари дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 64,530 минг сўм. 6. «Универмаг» дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 306,792 минг сўм. 7. «Оҳангарон» давлат ҳўжалигида жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси 540,767 минг сўм. 8. «Коммунизм» давлат ҳўжалигида жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси 1595,651 минг сўм. 9. «Қарахтай» озиқ-овқат дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 146,624 минг сўм. 10. «Ангрэн» давлат ҳўжалигида жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси 5,887 минг сўм. 11. «Қарахтай» шийпон жиҳозлари. Бошланғич баҳоси 15,039 минг сўм. 12. «Қаракташ» мебель дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 2935,548 минг сўм. 13. «Тутқишлоги» дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 346,344 минг сўм. 14. «Янги ариқ» дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 1453,393 минг сўм. 15. «Охунбобоев» дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 2019,724 минг сўм. 16. Лимонад цехи. Бошланғич баҳоси 5757,0 минг сўм. 17. Курилиш участкаси (база). Бошланғич баҳоси 550,277 минг сўм. 18. Пахтани қайта ишлаш цехи.

- Бошланғич баҳоси 266,177 минг сўм. 19. Кондитер цехи. Бошланғич баҳоси 937,828 минг сўм. 20. «Ором» ошхонаси биноси. Бошланғич баҳоси 991,519 минг сўм. 21. «Санжар» ошхонаси биноси. Бошланғич баҳоси 4235,151 минг сўм. 22. «Қрасногорск» чойхонаси. Бошланғич баҳоси 12,843 минг сўм. 23. Автостанцияда жойлашган ка-бобхона. Бошланғич баҳоси 145,878 минг сўм. 24. «Ўзбекистон» чойхонаси. Бошланғич баҳоси 418,846 минг сўм. 25. Лимонад цехи, жиҳозлари. Бошланғич баҳоси 262,436 минг сўм. 26. Вагон. Бошланғич баҳоси 77,185 минг сўм. 27. Бўрдоқчилик базаси. Бошланғич баҳоси 100,456 минг сўм. 28. Идора биноси. Бошланғич баҳоси 10696,679 минг сўм. 29. «Самсунг» касса аппаратлари. Бошланғич баҳоси 2 699,536 минг сўм. 30. «Шарп» касса аппаратлари. Бошланғич баҳоси 2005,633 минг сўм. Мазкур мулкларга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8-уй. Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават 28- ва 29- хоналар. Телефонлар: 136-15-28. 136-28-75. Ички: 153, 154, 162. Факс: 136-26-26.

Ташаббус Галлаоролда нурунийлар боғи

Галлаорол шаҳрига кираришда рамзий дарвоза қад ростлаб турибди. Темир йўл бекатида ва шаҳар марказига элтувчи ушбу йўл четини боғ-роғларга буркаётган галлаоролликлар ўтган йили хайрли ишга қўл урган эди. Газчилар маҳалласига туташ бўш ётган ер улаштирилиб унга турли қўнлар экишган эди. Ушбу боғ туман нурунийларининг кучи билан бунёд этилгани учун «Нурунийлар боғи» деб атала бошланди. Боғ 12 гектар майдонни ташкил этади. Унга асосан мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Қўнот ораларига сабзавот ва полиз экинлари экилган. Боғ парвариши асосан кексалар ихтиёрида. Келажакда боғ тўлиқ ҳосилга кирса катта даромад келтиради. Олинган даромаднинг фахрийларни иқтисодий ҳимоя қилишга ишлатилиши, дейди «Нуруний» жамғармасининг туман бўлими раиси Хайдар Даронов.

Алибой ЭРГАШЕВ «Ишонч» мухбири



Қарши шаҳри, Шайхали кўргони, Олтин бошоқ кўчаси, тел. 3-87-16 Барча истеъмолчиларга 200 ва 300 граммлик идишларга қадоқланган

МАЙДАЛАНГАН БУҒДОЙ ЎЗАГИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

- Чунки ушбу маҳсулот — овқат ҳазм қилишни яхшилади; — аллергияни йўқотади; — тиш ва сочларни мустаҳкамлайди; — терини тозалайди; — мушакларни ўстиради. Ўзакни нон ва қандолат маҳсулотларига, гўшти ва сутли таомларга бойитувчи модда сифатида қўшиб истеъмол қилса бўлади.

Ҳар тўғрида

БЎЁҚЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАРИХИДАН

Табиатда маълум бўлган буюқ моддани суний усулда ҳосил қилиш учун модданинг физик-кимёвий хоссалари чуқур ўрганилиши, таркиби аниқлаштириши керак эди. Бу борада олиб борилган тадқиқотлар натижасида дастлабки суний буюқ моддалари ҳосил бўлди. Бундан 120 йил муқаддам немис кимёгар олимлари Гребе ва Либерман табиий буюқни суний усулда ҳосил қилишга эди. Бу рўян ўсимлиги илдиридан олинган крапп бўёғи таркибидagi ализарин моддаси эди. 1880 йили Байер суний нил бўёғи яратди. Бундан Калькутта биржасидагилар саросимага тушдилар. Инглизлар табиий нил бўёғининг харид нархини пасайтирмаслик учун шошилиш чоралар қўришди. Жумладан, бу бўёққа тўланадиган бож бекор қилинди. Шу нил бўёғини суний яратиш учун 32 йил тинимсиз меҳнат қилинди.

XIX аср бошларида суний нил Германияда кенг қўламда ишлаб чиқарилиб, чет мамлакатларга ҳам сотила бошланди. Деярли бутун умрини суний нил ҳосил қилишга бағишлаган Адольф Байерга эса халқаро Нобель мукофоти берилди. XX аср бошларида Германияда антрацен асосида нил бўёғига ўхшаш, лекин тамоман янги, кўк рангли бўёқ модда - индантрон олинди. Бу бўёқ нилга қараганда кўёш нури таъсирига ҳамда ювчи ва ишқаланиш сингари механик таъсиротларга чидамли эди. Аммо нил бўёғи ишлаб чиқариш учун анчагина маблағ сарфлаб қўйган немис сановатчилари бундай янги бўёқни тайёрлаш учун сановатни қайта куришни лозим қўришмади. Шунга кўра индантрон бўёғи биринчи марта Германияда эмас, балки Японияда ишлаб чиқарилди.

БИЛАСМИ? Ер юзиде давлатлар кўп. Бу ўлкалар орасида у ерларда оқадиган дарёлар номи билан аталадиганлари ҳам бор. Масалан, Ҳиндистон, Иордания, Конго, Нигер, Парагвай, Уругвай мамлакатларида шу номдаги дарёлар мавжуд.

Кўпгина мамлакатларда номи эса ўша ерда яшовчи халқ номидан олинган. Чунанчи, Эрон, Туркия, Франция, Швейцария, Чехия каби мамлакатлар номи бунга мисол бўла олади. Аксинча, шундай ўлкалар ҳам борки, халқнинг исми шу мамлакат номидан олинган. Масалан, испанлар-Испаниядан, японлар-Япониядан ва ҳоказо.

Жазоир, Тунис, Марокаш, Португалия, Куба, Мексика, Панаманинг номи ўша ўлкадаги шаҳарлар номидан келиб чиққан.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг жамоаси ЎзКУФК Курортлар бошқармасининг бошлиғи Акмалжон Йўлдошевга отаси АХМАДЖОН ЙЎЛДОШЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Курортлар бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Акмал Йўлдошевга падали бузқувори АХМАДЖОН ЙЎЛДОШЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Logo for 'Ишонч' newspaper with text: «ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ»

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЙУМОВ. ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36. Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89. Мазъа котиби - 56-52-78. БУЛИМЛАР: Қасаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Азборот ва спорт-56-87-63. Малағият ва маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Жиззахда - 3-83-01. Намангонда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 6-19-11. Қумқуронда - 54-3-68.

Сотувда эркин нархда. Мазъалиқ: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сифатлаштирилди. Ўфсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилиши 22.00.